

ЧЎЛПОН ҲАҚИДА ЯНГИ РОМАН – “ТЕГИРМОН”

Малика МАНСУРОВА

магистрант

Алишер Навоий номидаги Тошкент

давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Буюк жаҳид адибларимиз ўз ижод намуналари, фаолияти ва ғоялари билан тарихимизда ўчмас из қолдирган. Улар ҳақида бугунги кунгача у қадар кўп асарлар яратилмаган. Ўзбек адабиётшунослигида истеъдодли жаҳид адиби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонга бағишланган Наим Каримовнинг “Чўлпон” номли маърифий романи яратилган, бироқ бу романда Чўлпон образи бадиий талқин этилмаган эди. Яқинда нашрдан чиққан “Тегирмон” романини Чўлпон образи юксак бадиий талқин этилган янги роман дейиш мумкин. Ушбу асар кўлами жиҳатидан ҳам бошқа асарлардан ажралиб туради. Асар муаллифи истеъдодли ижодкор Наби Жалолiddин “Тегирмон” романини яратгунга қадар кўплаб шеърӣ ва насрий асарлари билан мухлислари эътиборини қозонган эди. Асар Чўлпоннинг туғилганидан тортиб то ўлимига қадар бўлган давр воқеаларини ўз ичига олади. Асар тарихий мавзуда ёзилганлиги сабабли ижодкордан ўша давр тарихини, тилини, ҳар бир тарихий шахснинг гапириш услубию кийиниш маданиятига қадар чуқур ўрганишни талаб қилган. Ёзувчининг услуби, бадиий асар тилини, образ нутқини яратишдаги маҳорати ўзига хосдир. Асар нафақат Чўлпоннинг ҳаёт йўлига, балки у орқали барча жаҳид адибларининг машаққатли ҳаётини, ўша давр руҳиятини, миллий урф-одатларини ҳам ўзида жамлагани билан қадрлидир. Бизнинг тасаввуримизда Чўлпон жонли шахс сифатида гавдаланади. Чунки унинг шахсияти, ижодиёти ва фаолияти бир бутун сифатида тасвирланган. Наби Жалолiddин “Тегирмон” романида Чўлпоннинг ижодкорлик маҳоратини ҳам юксак бадиий билан акс эттирган. Айниқса, Чўлпонни шеър ёзишга ундаган, турки бўлган воқеаларни шундай тасвирлаганки, кўз ўнгимизда Чўлпон ижод қилаётгандек, биз эса айна шу жараёни кузатиб тургандек бўламиз. Чўлпоннинг ижод жараёнини асар муаллифи Наби Жалолiddин ҳам кўрмаган, бироқ унинг бадиий поэтик тафаккури юксак эканлиги ҳамда муаллифнинг ўзи ҳам шоир эканлиги сабабли ушбу воқеаларни бадиий тўқималар ёрдамида жуда табиий гавдалантира олган. Буни шоир қалбли инсонларнинг бир-бирларини нақадар яхши тушунишлари, англашлари мумкинлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Адибнинг маҳорати ўзи иштирок этмаган воқеа-ҳодисани ёки шахсни китобхонга далиллар асосида жонли тасвирлай олишида яққол намоён бўлади. Чўлпон асарларида унинг қалбидаги исён, босқинчиликларга бўлган нафрат, халқининг ночор аҳволига нисбатан ачиниш, Ватанининг эрки йўлидаги кураш, юрт фарзандининг чексиз

муҳаббати қайтадан жонланади. Унинг “Халқ” шеърининг яратилиши ҳам асарда ишонарли тасвирланган. Асарда майдон тасвири берилади: “Шу қирқ йил ичида кўзи қонга тўлган ғаним ҳам, шўрпешона авом ҳам шу майдондан нажот истайди гўё” (1, 103). Ғаним халқни шу майдонга жуда кўп марта тўплайди, албатта, уларни янада кўрқув ва таҳликада сақлаш мақсадида. Бироқ халқ эса яхшиликдан умидини узмайди ва шу майдонга тўпланишдан чарчамайди. Ушбу майдондаги йиғилишлардан бирида халқнинг оғир аҳволи шоир қалбини ўртайди, халқнинг хатти-ҳаракатлари унинг шеърида акс этади. Шеърият – ҳис-туйғу ва қалбдаги дард маҳсулидир. Халқ ҳолати билан Чўлпоннинг руҳий ҳолати уйғун ҳолда тасвирланади: “Гувиллаш бедор вужудларнинг жунбушларида туртина-туртина супага ёвуқ келиб қолган Чўлпоннинг юрагига қаттиқ санчилди. Юраги ингранди: “Бу менинг халқим! Менинг жон халқим!””, дея чийиллади оғриқ пинжида. Юракдаги тўлғоқ, тўфон шуурига қалқди: «Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир, халқ исёндыр...” бирдан ўйларига ҳам, туғёнига ҳам завол етди, шоир юраги ғайб олаמידан фанога қайтгандек бўлди” (1, 104). Асарда Чўлпонни ижод оламига шўнғиб кетишига сабабчи таъсирлар ва бунинг акси бўлган хаёлот олаמידан реал ҳаётга қайтарадиган таъсирларни кўриш мумкин. Юқоридаги парчадан кўришимиз мумкинки, ХАЛҚ Чўлпонни хаёлотига таъсир қилди ва натижада шеърнинг илк мисралари дунёга келди. Иккинчи таъсир – ушбу халқнинг бир бўлаги бўлган чол образи орқали тасвирланган: “Сўл кўлида ёғоч-ҳасса тутган чол унинг чап билагини чангаллаганча турарди”(1, 104). Шундан сўнг Чўлпоннинг хаёллари бўлиниб, бутун эътибори шу образга қаратилади. Адиб чол образининг ташқи кўринишига алоҳида тўхталиб ўтган. Чолнинг кўриниши ҳолсиз ва забун бўлсада, унинг сўзларидаги жасорат ва қатъият яққол кўрсатилган. “Фақатгина устихон, этдан иборат, томирлари шохланган бу қўл қора косовни эслатади. Аммо бағоят тафтли эди...” Чўлпон унинг томир уришини нафақат сезди, балки эшитди.

Халқ оловдир!.. деди овоз чиқариб, чолнинг кўлини ўнг кафти билан охиста босаркан” (1, 105). Образ нутқи унинг характери ва шахсиятини очишга ёрдам беради. Чолнинг нутқида ўзгача шижоат, босқинчиларга қарши ошкора исёнбор эди: – Ҳой, пошшо! – деди чол кўлини Чўлпоннинг билагидан олиб, ожизона сермаркан. – Оқпошшога айт, мени улимни (ўғлимни) қайтарсин! Улим келмаса, мени ким кўмади, балларимни ким бақади? Ўзи битта улим бор эди, шуниям обкетти оқпошшо. – Эндичол мажолсиз оёқларида қолиб, кўкрак керишга уринаркан, ҳассасини Куропаткинга нўқди. – Улимни қайтар!.. (1, 105). Отанинг бу фарёди ҳам шоир кўнглини жунбушга келтирмасдан қолмайди, беихтиёр шеърнинг кейинги мисралар юзага кела бошлайди: “Чўлпоннинг шуурини ҳамон хаёлида айланаётган мисранинг сўнги забт этди: “Халқ ўчдыр...” (1, 105). Куропаткин фарзандини соғинган отахонга ўғлини

қайтаришини ваъда қилади. Албатта, бу ҳам халққа ёлғон ваъдалардан бири эди. “Томоша” сўнггида ўзига таскин бўла оладиган сўзни тинглаган отахон майдонда вафот этади. Бироқ фарзандини кўролмаганидан кўзлари очиқ кетади. Бундан ташқари, халқнинг қиёфаси ҳам яхши очиб берилган. Айниқса, халқнинг бир-бирига нисбатан бепарволиги шу образ орқали тасвирланган: “Томоша” адоғида ҳалиги чол яна Чўлпоннинг билагига тирмашдию, ерга қулади. Ҳассаси бир ён, бир сиқим жуссаси бир ён қолди. Буни ҳеч ким пайқамади, халқ ҳафсаласиз кўзголиб, тарқала бошлади. Чўлпон тупроққа беланган чол бечоранинг билагидан тутди. У жон таслим қилганди, аммо кўзлари очиқ эди. “Бир кўзғолур...”, дея пичирлади Чўлпоннинг лаблари...” (1, 106).

Чўлпоннинг яна бир гўзал ижод намунаси Устоз Бехбудий илтимоси билан битилгани диққатга сазовордир: “Бехбудий Чўлпонга ўгирилиб, деди: – Мана, сиз шоирсиз, бўтам, сўзга соҳибсиз. Бобо Туркистонимиз ва ўзбеклар ҳақида назмий бир нарса битинг, токи ўзбекларсиз Туркистон, Туркистонсиз ўзбекларнинг аҳволдан хабар берсин” (1, 175). Шеърни ёзишга даъват қилувчи руҳдаги ушбу нутқ заминидан ҳам улкан маъно бор. Айниқса, «ўзбекларсиз Туркистон, Туркистонсиз ўзбекларнинг аҳволи» барча жаҳид адибларимиз қалбларини қийноққа солган дард эди. Ана шу дардни Чўлпон ўз шеърларида бадий акс эттира олди.

Яна бир шеъри ишқ – муҳаббат мавзусида бўлиб, ошиқ кўнгилнинг изтироблари гўзал Обида исмли қизга қаратилгандир. Асарда Чўлпон Обида исмли қизга кўнгил кўйиши, бироқ қиз унинг севгисини рад қилиши тасвирланган. Кейин Чўлпон Моҳирўяга уйланади ва келишмовчиликлар сабаб ажралиб кетишади. Кунларнинг бирида сингилларининг тўйи арафасида Обидани учратиши яна ўша пок ва самимий туйғуларни ёдига солади. Унинг қалбидаги муҳаббат шеърга кўчади: “Бўйнию ияклари аралаш ўралган оппок рўмоли, оқ-пуштига мойил тиниқ юзи, кўксини билинар-билинемас сириб турган либоси жонга ташна кўринади. Чўлпонга кўзи тушиб, шундай бир қараш қилдики, унда ўкинч, араз, армон-у соғинч бор эди. Лекин саломлашишдан нарига ўтишолмади. Шоирнинг қалбида олов ёниб, оташли мисраларга доя бўлди:

*Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингда ўқидим;
Ўқидимда, истиқболим қушига
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.
Гунафшалар қулогимга мадҳингни
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...
Аламзада булбул йиғлаб кечалар,
Аламингни сўнгин тамом этмади” (1, 230).*

Кўқонга борган Чўлпон уруш ва қирғинларнинг асоратларини кузатиши, айниқса, Кўқон аҳли орасида таниш инсонлари, яъни Шамсиддиннинг бегуноҳ ота-онасининг шафқатсизларча ўлимини эшитиши Чўлпон қалбида яна оғрик пайдо қилади. “Чўлпон туни билан ухлолмади. Кўқондаги шукухли ҳамда аянчли воқеаларни эслаб, юраги тўлғонди. Шуурида икки сатр айланаверди:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,

Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен...

Лекин шеър давом этмади, тўлғоғибағрида қолди...” (1, 235). Шоир ва шеър ўртасидаги муносабатлар жуда табиий тасвирланган. Ушбу шеърнинг яратилишида муаллиф илҳом ва истеъдодга эътибор қаратган. Ижодкор шеърни баъзан бир ёки икки мисрасини ёзиши, қолган қисмини эса баъзида бир қанча вақтлар ва ҳатто йиллардан кейин ҳам давом эттириши мумкинлигини кўрсатишга уринган. Ушбу асарни ўқиғунимга қадар Чўлпоннинг бу шеърини гўзал ёр ва унинг гўзалликларига бағишланган деб ҳисоблардим. Асар мазмунига шеър шу қадар сингдириб юборилганки, унда Ватан эрки, озодлиги куйланганини инкор этиб бўлмайди. “Тарихий ҳодисалар асар қаҳрамонларининг нигоҳи қаршисида қандай содир бўлган бўлса, китобхон кўз ўнгида ҳам шундай тартибда рўй бермоғилозим” (2, 103). Дарҳақиқат, Чўлпон ҳақида тарихий маълумотлар етарлича. Бироқ Чўлпоннинг шеър ёзиш жараёнидаги ҳис-туйғулари, ўй-хаёллари, рухий ҳолати ҳақидаги маълумотлар тарихий ахборотлар ичидан топилмайди. Бу жараёнларни табиий, ишонарли ва жонли қилиб тасвирлаш муаллифнинг тасаввур дунёсига боғлиқ адабий жараёндир.

Чўлпон кўпинча ёлғиз қолганда ижод қилишни ёқтиради. Асарда Чўлпон ва Обида ўртасидаги диалог тасвирланган бўлиб, унинг асосий мавзуси оиладаги етишмовчиликка қаратилганди. У ҳаёт қийинчилкларини тушунишни ҳам истамаган Обиданинг зардаларидан қочиб, ташқарига тушкун ҳолатда чиқиб кетади ва шеърга ўз дардларини жойлайди. Айнан шундай тушкунликда “Халқ” шеърини яқунлайди. Бағри ёнди. Хаёлида Кўқондаги воқеалар – мухторият ишқида тўлғонган, тўлқинланган халойиқ. Ўшанда халқнинг ҳар нега қодирлигига ишонганди... Ҳозир ҳам ишонади. Она Туркистонни саргардон кезиб, ҳатто егани бир бурда нонсиз, ҳақ истамоқда, ҳақ изламоқда. Халқнинг ҳаққини... Яна ёзди:

“Халқ қўзғолса куч йўқдирким, тўхтатсун,

Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсун...” (1,316).

Албатта, шеър унинг ижодкори билан чамбарчас боғлиқдир. Шеърни ўқиб шоирнинг ҳолатини ҳам англаш мумкин. Бу шеърнинг кейинги мисраларида халқ қатори Чўлпоннинг ҳам очликдан қийналаётганига ишора қилинади:

“Йўқликнида, очликнида йўқ этар,

Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар... ” (1, 316).

Чўлпон бу мисраларда ўзининг ночор аҳволини ёзганидан изза бўлади ва ҳатто ўзини-ўзи танқид қилади. Чўлпон – ҳақиқий истеъдод эгаси эди. “Шуурига туйқус ўз аҳволи урилиб, ичида изза бўлди: ҳа, очсан, маишатинг чекланган, шуни халқингга тиркадингми? Йўқ, ахир халқнинг аҳволи ҳам шуку!..” (1, 316).

Асарнинг яна бир ўрнида Чўлпон “Босмачи” номли қисса ёзаётганлиги тасвирланади. Куни бўйи қисса ҳаёли билан банд бўлиб юрган шоир унинг давомини ёзиш мақсадида хонтахта ёнига ўтирганда бирдан қоғозда шеър мисралари пайдо бўлади:

*Кўнгил, сен мунчалар нега,
Кишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?..*

Кайфияти ҳам, ёзганлари ҳам ўзига хуш ёқди, гўё қалб эшиги очилдию унинг ифорли ғуссалари оламга ёйилди. Бу ғуссалар неча кунларки борлигини ёндириб, кечмишини доғларди. Кўнгил мулки асоратдалигидан, халқи, юрти қисматига қоришиқ тақдири камситишлар, ҳақоратлар остида забунлигидан ўртанарди. Ҳақоратлар эл дилига таъсир этмай ҳам қўйди, чоғи.

*Ҳақорат дилни оғритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?.. ” (1, 333).*

Жамият ижодкорга таъсир этмасдан қолмайди. Чўлпон бу жамиятдаги воқеа- ҳодисаларга бепарво қараб туролмасди. Унинг қалбидан бу безовталиқ, кураш, орзу ва армонлари ижод намуналарига кўчди. Наби Жалолоддин “Тегирмон” романида Чўлпоннинг ижод жараёнини ва энг гўзал ижод намуналарни асар мазмунига маҳорат билан сингдириб юборган. Наби Жалолоддин Чўлпон ҳаёти билан боғлиқ тарихий манбаларни чуқур ўзлаштирганлиги асарни мутолаа қилиш мобайнида яққол сезилади. Романда Чўлпоннинг энг гўзал ижод намуналари ўрин олган бўлиб, улар асар мазмуни билан яхлитликни ҳосил қила олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Наби Жалолоддин. Тегирмон. –Т.: Чўлпон. 2018.
2. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. Ирвинг Стоун. –Т.: Маънавият. 2010.